



Xalq deputatlari tuman Kengashining qarori

FORISH TUMANI BO'YICHA
2026-YIL (VEGETATSIYA)
DAVRIDA SUG'ORISH ISHLARI
UCHUN AJRATILGAN SUV
LIMITINI TASDIQLASH
TO'G'RSIDA

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 5-yanvardagi "Quy bo'g'inida suv resurslarini boshqarish tizimini takomillashtirish hamda suv resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5-sonli qarorining ijrosini ta'minlash maqsadida, O'zbekiston Respublikasi "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi Qonunining 6- va 24-moddalariga muvofiq xalq deputatlari Forish tuman Kengashi

QAROR QILADI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 5-yanvardagi "Quy bo'g'inida suv resurslarini boshqarish tizimini takomillashtirish hamda suv resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5-sonli qaror ijro uchun hamda Forish tumani "Suv yetkazib berish xizmati" Davlat muassasasi direktor E.Xolbekovning ax-

boroti ma'lumot uchun qarbul qilinsin.

2. Forish tuman «Suv yetkazib berish xizmati» Davlat muassasasi direktori E.Xolbekovning Forish tumani bo'yicha 2026-yil sug'orish mavsumi "vegetatsiya" davrida sug'orish ishlari uchun ajratilgan suv limiti to'g'risidagi taklifi ma'qullansin va ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3. Tuman hokimining qishloq va suv xo'jaligi masalari bo'yicha o'rinbosari va Forish tumani "Suv yetkazib berish xizmati" Davlat muassasasi direktori E.Xolbekovga:

- O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 5-yanvardagi "Quy bo'g'inida suv resurslarini boshqarish tizimini takomillashtirish hamda suv resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5-sonli qarori asosida ishlarni tashkil etish;

Давоми 2-бетда

ЮКСАК МАЪРИФАТЛИ АВЛОД —
УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ!

Тумандаги мактабларда "Сўнги кўнғироқ" жаранглади. Улкан орзу-мақсадлар билан таълим-тарбия кучоғида жам бўлишган ўқувчилар бугун ҳаётнинг катта оstonасига қадам қўйишмоқда.

Бу йил тумандаги 65 та умумтаълим мактабларининг 11-синфини 1038 нафар йигит-қизлар битириб чиқишмоқда.

ҳамда техникумларда ўқишларини давом эттиришлари учун барча шароитлар мавжудлигини таъкидлади. Шу билан бирга, Ватанни севиб,

ўқув йили давомида ўқиш ва иш фаолиятида ўрнатилган кўрсаткичларни ижодкор педагог ходимлар, аълочи ўқувчиларга, туман ҳокимлиги та-



Жиззах вилояти ҳокими Улғубек Мустафоев вилоятдаги барча битирувчиларга онлайн тарзда Президентимизнинг самимий табригини ўқиб эшиттирди.

«Оқтепа» маҳалласида жойлашган 6-умумтаълим мактабида ташкил этилган "Сўнги кўнғироқ" тадбирида туман ҳокими Соҳиб Исламов иштирок этиб, сўзга чиқди. Туман ҳокими ўз сўзида битирувчи ёшларга оқ йўл тилади. Ўзларига маъқул бўлган олий таълим муассасаларида



ардоқлаб, бугунги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаш лозимлигини ҳам таъкидлади.

6-умумтаълим мактаби 11-синфини бу йил 11 нафар ёшлар битириб катта ҳаётга йўлланма олишмоқда. Тантанана ота-оналар, меҳмонлар битирувчиларни табриклаб, уларга таълим-тарбия берган устозларга миннатдорчиликларини билдирди.

"Сўнги кўнғироқ" тадбирида



шаккурномалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

Тадбирда ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларни рақсга чорлади. Мактаб узра янграган "Сўнги кўнғироқ" дилларга завқ улашди.

Бу кўнғироқ — дарсларнинг якуни эмас, балки ҳаёт дарсларининг бошланиши.

Рашид
КАРИМОВ.

Қарор ва ижро

ЭЗГУЛИҚ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ХАЙР САҲОВАТ
АЙЁМИ — ҚУРБОН ҲАЙИТИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Туманда меҳр-оқибат ва саҳоват айёми — Қурбон ҳайити кўтаринки руҳда нишонланди.

Бугун ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши — ижтимоий ҳимояга қаратилган, инсон қадрини улғушлаш, жамиятда мурувват, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи мана шундай тадбирларга муборак Қур-

бон ҳайити арафасида яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 22 майдаги "Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саҳоват тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида туманда кенг

қўламли хайрли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 700 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга "Вақф" фонди томонидан ижтимоий кўмаклар кўрсатилди.

Шунингдек, бемор ва жарроҳлик амалиётига муҳтож бўлган оилалар фарзандларининг давола-ниши учун амалий ёрдамлар берилди.

Бундан ташқари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, меҳрибонлик уйлари, оилавий ҳамда кичик ҳажмли болалар уйлари, "SOS" маҳалласи тарбияланувчилари, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналарнинг фарзандлари, "Taskin Childrens Hospice" онкологик шифохонасида даволанаётган ўғил-қизларнинг омонат ҳисобла-

рига 200 АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти ўтказиб берилди.

Туман ҳудудидаги 7 та масжидда қурбон ҳайити намозлари ўқилиб, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва юрт озо-йишталиги учун дуолар қилинди.

Қурбон ҳайити руҳи ҳам аслида шу; инсон инсонга яқинлашади. Давлат халқ дардига янада яқин туради, саҳоват эса жамиятни бирлаштирувчи сокин аммо қудратли кучга айланади. Бир сўз билан айтганда туманимизда амалга оширилган меҳр-мурувват тадбирлари халқимизнинг эҳтиёжмандига суянч бўлиш, савоб ишларни бошини тутиш, саҳоватпешалик ва бағрикенглик фазилатларини яққол намоён этди.

Рашид КАРИМОВ.

ВАТАННИНГ ЮКСАК
МУКОФОТИ МУБОРАК
БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 28 майдаги «Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони асосан, туман маданият бўлими мудири Маҳмуд Мамадалиевич Нарқзақов маданият соҳасини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали меҳнати ва хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Мазкур юксак эътироф юртимизда маданият ва маърифат соҳасини ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда аҳоли маънавиятини юксалтириш йўлида олиб борилаётган самарали фаолиятнинг муносиб баҳоси бўлди.

Туманимиз аҳли Маҳмуд Мамадалиевични ушбу юксак давлат мукофоти билан самимий муборакбод этиб, келгуси фаолиятида улкан зафарлар тилайди.

«Фориш тонги» газетаси тахририяти.

FORISH TUMANI BO'YICHA 2026-YIL (VEGETATSIYA) DAVRIDA SUG'ORISH ISHLARI UCHUN AJRATILGAN SUV LIMITINI TASDIQLASH TO'G'RISIDA

Аввали 1-бетда

- belgilangan limitlar asosida iste'molchilarga suv yetkazib berish taminlansin;
- sug'orish tarmoqlari va ulardagi agrotexnik inshootlarni soz holatda saqlash, ta'mirlash-tiklash tadbirlari amalga oshirilsin;
- iste'molchilar kesimida iste'mol qilingan suv hajmi to'g'risidagi ma'lumotlarni soliq organlariga o'z vaqtida taqdim etib borilish vazifalari yuklatilsin.
4. Amalga oshirilgan ishlar yuzasidan xalq deputatlari tuman Kengashiga har chorak yakuni bilan hisobotlarni taqdim etish vazifalari yuklatilsin.

Kengash raisi

KARIMOV BOTIR NARINOVICH

2026-yil 21-may, Forish tumani.

Фармон ва ижро

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ИМКОНИЯТ

2026 йил 29 майда Президентимизнинг «Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-100-сонли фармони қабул қилинди.

Унга кўра 2026 йил 1 июндан бошлаб солиқ солишнинг умумбелгиланган тартибига ўтиш учун белгиланган чегаравий миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн икки минг баравари (4 млрд 944 млн сўм) этиб белгиланди.

Бунга қадар кичик бизнес субъектларининг тушуми 1 миллиард сўмгача бўлганда соддалаштирилган солиқ режимида ишларди. Ушбу чегарадан ошганда эса ҚҚС ва фойда солиғи тўлашга ўтар эди.

Мазкур чегаравий сумма 2019 йилда белгиланган бўлиб, ўтган даврда нархлар сезиларли равишда ошган. Натижада айрим тадбиркорлар 1 миллиард сўмлик чегарага яқинлашганда айланмани яшириш, чек бермаслик ёки бизнесни бир нечта субъектга бўлиш амалиётига ўтаётганди. Битта бизнес учун бир нечта ЯТТ очилган ҳолатлар жуда кўп эди.

Энди 1 июндан бошлаб ушбу чегаравий миқдор салкам 5 млрд сўмгача оширилди. Бу дегани, тадбиркорлар 4-5 та ЯТТ очган бўлса, шуларнинг 1 та асосийсини олиб қолиб, қолганини бемалол ёпиб юборса ҳам бўлади. Солиқ юкидан қочиб, айланма йўллар қидиришга ҳожат йўқ.

Бундан ташқари, мазкур чегаравий миқдор аниқ сумма билан эмас, балки базавий ҳисоблаш миқдори билан белгиланди. Бу дегани инфляцияни ҳисобга олиб, базавий миқдорлар оширилганда чегаравий миқдор ҳам ошиб бораверади.

Яъни 2019 йилда чегаравий миқдор конкрет 1 млрд сўм этиб белгиланган. Лекин йиллар давомида инфляция бўлганига қарамай 1 млрд сўмлик чегара сақланиб қолмаверган.

Ҳозир эса БҲМнинг 12 минг баравари этиб белгиланди. Бу шуни аниқладики, чегаравий миқдор доғма эмас, у қотиб қолмайди, деярли ҳар йили ошиб бораверади.

Масалан, ҳозир БҲМ миқдори 412 минг сўм. Айтайлик, август ойида ойликлар ошиб, БҲМ миқдори тахминан ҳам 10% га оширилиб, 453 минг сўм этиб белгиланди дейлик. Бунда кичик тадбиркорлик субъектлари учун чегаравий миқдор ҳам ошади ва 5 млрд 436 млн сўм бўлади. Яъни ҳар сафар 10% га ошганда, чегаравий миқдор ҳам тахминан 500-600 млн сўм атрофида ошиб бораверади.

Фармон билан айрим тадбиркорлик субъектлари учун ҚҚС бўйича соддалаштирилган тартиб жорий этилмоқда

- қачондан қачонгача: 2026 йил 1 июндан 2030 йил 1 январга қадар;

- Кимлар учун: асосий фаолият тури умумий овқатланиш, савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўлган тадбиркорлик субъектларига;

- Кимларга татбиқ этилмайди: давлат улushi 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхоналар ҳамда йирик солиқ тўловчилар мустасно;

- Қандай ҳуқуқ берилмоқда: ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқи.

Соддалаштирилган тартиб нима дегани? Бунда:

- ҚҚС ставкаси 12 фоиздан 6 фоизга туширилади (товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича барча айланмаларга нисбатан);

- фойда солиғи ставкаси 0 фоиз этиб белгиланади;

- солиқ ҳисоботини тақдим этиш мажбурияти бекор қилинади;

- сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқи берилмайди.

Ойбек ЙЎЛДОШЕВ,
туман адлия бўлими
бошлиғи.

Мукофотланганлар ҳақида ҳикоя қиламиз

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ҲАР НЕДАН ОРТИҚ

Жорий йилнинг «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» дея эълон қилиниши билан тизимда қатор ислохотлар юз бермоқда. Яқинда соҳада фидойи хизмат қилиб келаётган бир гуруҳ маҳалла ходимлари мукофотланди. Ҳамюртимиз – «Хонбанди» маҳалласи хотин-қизлар фаоли Мархабо Юлдашеванинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланганлиги кўпчиликни қувонтирди.

Мархабо Юлдашева 1970 йилда Фориш тумани Илончи қишлоғида туғилган. «Хонбанди» маҳалласида яшайди. 2000 йилдан бошлаб хотин-қизлар соҳасида фаолият юритиб келади, шундан то бугунга қадар халқ дарди билан ошно. 2024 йил Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислик институтини битиргач, иш янада қизгин тус олди.

– Маҳалламизда 1150 нафар ёшлар, 2027 нафар хотин-қизлар мавжуд, – дейди Мархабо опа. – Бу ерда битта мактаб, битта давлат МТТ ва битта хусусий МТТ бор. Худудда рус, тожик, қозок, қирғиз, туркман каби миллат вакиллари ўзбеклар билан аҳил-инок яшайди. Ҳаммаси ҳамжиҳат, бир оила бўлиб кетган. Уларнинг уйига бораган, кексалардан хабар олиб тураман. Мен узок йиллар шу тизимда ишлаганим учунми, ишимни яхши кўраман. Менга қувонч бағишлайдиган, шарафли жиҳатларидан бири – опасингилларимизнинг кўнглига йўл топиб, уларнинг муаммоларига маҳалла еттилиги билан биргаликда ечим топа олишда дейман. Мархабо опа мукофотга лойиқ кўрилганини илк бор маҳалла раиси Шавкат ака қўнғирогдан кейин билди, аввалига қулоқларига сира ишонмади. Кейин қалбида эзгу ҳислар уфуриб, кўзларига миннатдорлик ва қувонч ёшлари келди.

– Бу мукофот тиним билмай, кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган меҳнатларимизнинг самараси, – дейди опа. – Фақат кадрятлар кадр топган юртдагина ҳалол меҳнат улуғлашининг яна бир исботи бу. Бундан руҳланиб янада ишларимизни жонлантириб, халқимизга хизмат қилишда давом этамиз.

Мархабо опани турмуш ўртоғи Эркин Жўрақулов ҳаммаша қўллаб-қувватлаб келади. Бу ютуқларнинг замирида оиладаги тотувлик, баҳамжиҳатлик ётган бўлса, ажабмас. Улар бир ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказишди, олти нафар ҳажжи невараларининг суюкли бобосию бувиси. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли, бугун жамиятда ўз ўрниларини топишган.

– Маҳалламизда олти нозили оила бор эди, ҳаммасини бартараф қилганмиз, – дейди Мархабо опа. – Ажрим ёқасидаги икки оилани яраштирдик. «Аёллар дафтари» шакллантирилиб, 170 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож опасингилларимиз киритилди. 140 нафар ишсиз аёллар бўлиб, 6 нафар хотин-қизларга туман Халқ банки томонидан 10 млн. сўмдан кредит ажратилди, уларнинг 20 нафари ўзини ўзи банд қилди. Бизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бериладиган кўп қаватли уйлар бўлиб, унда 81 та



оила мавжуд. Бу йил ушбу уйларнинг шартномаларини янгилаш ишлари амалга оширилади.

– Мархабо опа анча йиллардан бери бизда ишлайди. Маҳаллада ҳурмати бор, уни ҳамма танийди, оиласи намунали оилалардан саналади, – дейди «Хонбанди» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Исламов. – Маҳалламизда 1230 та оила бўлса, опа ҳаммасига тўлиқ кириб чиқади. Ҳар бир ишни маҳалла еттилиги билан бирга маслаҳатлашиб, муҳокама қиламиз, шу асосда муаммоларни бартараф қилишга уринамиз. Бугунги кунда Учқулоч қони, барпо этилаётган АЭС қурилишидаги янги иш ўринлари билан аҳоли бандлигини таъминламоқчимиз.

– Мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор ва ғамжўрлик ҳақида бу ерга келадиган опасингилларимизга тушунчалар бериб келамиз, – дейди Мархабо Юлдашева. – Ҳурматли Президентимиз томонидан берилаётган имтиёзлар асосида кредит олиб, бемалол тадбиркорлигини бошлаб олса бўлади. Қайси соҳа бўлмасин, ҳар бирида хотин-қизларнинг қўллаб-қувватланаётганлигини сезиш мушкул эмас. Боқувчиси йўқ, ногиронлиги бўлган оилалар фарзандларига ҳам қатор имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу йил «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан вилоятимизда, туманимизда ҳам кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Йўлларимиз равон бўлаётир, атроф-муҳит тобора кўкаламзорлаштирилиб, яшиланиб бормоқда, хонадонлар обод. Буларнинг ҳаммаси муҳтарам Президентимизнинг маҳаллаларга бўлган эътиборидан, амалга оширилаётган ислохотлардан деб биламан. Менга берилган рағбатдан руҳланиб, Ватанимиз оstonаси бошланадиган оилалар, маҳаллаларимиз ривожига бел боғлаб, янада гайрат билан хизмат қилишни ният қилганман.

Холниса
РАҲМОНҚУЛОВА.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАХТИЁР БОЛАЛАРИ

Туман 30-сон маданият марказида 1-июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муноса-

монлари, «Лазги» болалар рақс жамоаси ҳамда 1-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти тар-



бати билан «Янги Ўзбекистоннинг бахтиёр болалари» номли байрам тадбири ташкил этилди.

Байрам тадбирида туман ҳокиминг ўринбосари Элнора Умматова сўзга чиқиб болажонларни байрам билан табриклади.

Тадбирда «Кичкинтой» халқ ҳаваскорлик кўғирчоқ театри томонидан «Зукко қуёнча» номли театр томошаси шунингдек, «Мулт дисней» қаҳра-

бияланувчиларининг байрам дастурлари намоиш этилди.

Тадбир давомида болажонлар ва уларнинг оналарини иштирокида қизиқарли ўйинлар ҳам ташкил этилди.

Лобар ҲАКИМОВА,
30-сон маданият маркази бадий
раҳбари.

Ижтимоий тармоқда гўшт ва сут нархларининг ошаётгани аҳоли даромадини ошишига салбий таъсир этаётгани ҳақидаги маълумотлар берилди. Яна бир маълумотда республикамиз туманлари кесимида жорий йилнинг 13 май ҳолатига гўшт нархлари эълон қилинди.

Статистика қўмитаси томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, апрел ойида кўй гўшти – 3,7 фоизга (2025 йил апрел ойига нисбатан +20,3 фоиз), суяксиз мол гўшти – 3,2 фоизга (+17,3 фоиз),

Долзарб мавзу

Шундан келиб чикиб айтадиган бўлсак, бир вақтлар республикамизнинг кўпчилик ҳудудига арзон ва сифатли гўшт етказиб берган туманимизда ҳам юқорида таъкидланган маълумотда кўрсатилмаган бўлсада гўшт нархи бошқа туманларга нисбатан ба-

тўғрисида”ги ПҚ-2841-сон қарорига асосан тумандаги барча ширкат хўжаликлари тугатилиб, улардаги қоркўл кўйлар ва бошқа чорва моллари фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарига хусусийлаштириб берилди. Ундан кўзланган эзгу мақ-

нархини арзонлаштириш вақти келмадимикан? Қолаверса бу йил кўклам серёгин келиб яйловларимизда ўт-ўланлар сероб. Чорва моллари яйловда юриб семирмоқда.

Яна бир муҳим масала. Яйлов ер майдонларининг кескин қисқариши эвази-



ГЎШТ НАРХИ НЕГА ҚИММАТЛАШМОҚДА?

гўшт қиймаси – 92,9 фоизга (+14,1 фоиз) қимматлашгани баён этилган.

Ўзбекистонда гўшт нархининг қимматлашгани аҳолининг кундалик харажатларига сезиларли таъсир кўрсатаётгани, айниқса, мол гўшти нархининг тез-тез ўзгариши нафақат истеъмолчилар, балки озиқ-овқат хавфсизлиги, инфляция ва аграр сиёсат самарадорлиги масалаларини ҳам кун тартибига олиб чиқаяпти.

Гўшт нархининг туманлар кесимидаги нархларга қарайдиган бўлсак, масалан Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 94 минг 300 сўмдан, 112 минг 500 сўмгача, Навоий вилоятида 95 минг 500 сўмдан, 137 минг 500 сўмгача, республикамизнинг водий вилоятларида 129 минг 400 сўмдан, 135 минг сўмгача, энг қиммат гўшт вилоятимизнинг Зомин туманида 135 минг, Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида 139 минг 600 сўм экани кўрсатилган.

ланд деб айтишга асосимиз бор. Бугунги кунда туманимиз бозорларида бир килограмм суякли мол гўшти 135-140 минг сўмдан, кўй гўшти эса 150-160 минг сўмгача сотилаётгани бор ҳақиқат.

Гўшт нархининг йилдан-йилга қимматлаб боришининг сабаблари бор. Жумладан, йилдан йилга аҳоли сони ортиб, талаб ошмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда соҳага масъул тегишли мутасаддилар томонидан чорвачиликни интенсификация қилиш, ривожлантириш, наслдор, сермахсул чорва моллар сонини кўпайтириш, чорва моллари учун кўпроқ озуқа экинлари экиш ишларига етарли эътибор қаратилмади. Ўз навбатида чорва моллар учун яйлов ер майдонлари кескин қисқарди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар

сад ҳам чорва моллар бош сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш ҳамда махсулдорлигини ошириш эди. Бугунга келиб қани ўша хусусийлаштирилган кўйлар, қани аҳолига етказиб берилаётган гўшт. Соҳага масъул тегишли мутасаддиларнинг эътиборсизлиги ва тегишли назоратнинг йўқлиги сабаб иш ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Туманда айни кунда чорвачиликка ихтисослашган тўрт юздон зиёд фермер хўжаликлари ҳамда масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналари бўлишига қарамай аҳоли ҳамон тумандаги 2 та деҳқон бозорларидан бошқа ҳудудлардан олиб келиб сўйилиб сотилаётган гўштни харид қилмоқда. Қас-соблар хоҳласа нархини сунъий оширишади. Тумандаги фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан бозорларда навбатма-навбат гўшт сотишни йўлга қўйиш, шу ҳисобдан гўшт

га, чорва моллар учун озуқабоп экинлар экишга эътибор қаратилмади. Экилгани ҳам кам. Тумандаги фермер хўжаликларида ва қишлоқ хўжалик корхоналарида бу йил ҳам чорва озукаси учун арпа экиш йўлга қўйилган. Аммо, бу билан чорва молларини етарли миқдорда озуқа билан таъминлаб бўлмайди. Чорва учун кўпроқ беда, маккажўхори ва бошқа тўйимли озуқабоп экинларни экиб кўпайтирилса кўзланган натижага эришиш мумкин.

Туманда гўшт ва бошқа чорвачилик махсулотларини кўпайтириш мақсадида аҳоли хонадонлари, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарида бўрдоқига чорва моллари боқилишини йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун эса соҳага масъул мутасаддилар ва тегишли ташкилот вакиллари тушунтириш ва режалаштириш ишларини амалга оширсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Бугунги

кунда вилоятимизнинг кўшни туманларида ўшбу тажриба кенг қўлланила бошланган.

2026 йил 12 май куни Президентимизнинг “Чорвачилик тармоғи ва яйлов хўжалигини замонавий бошқарув тизими ва янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-179-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2026 – 2028 йилларда чорвачилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари белгиланган. Жумладан, гўшт ва сут махсулотларини саноат усулида қайта ишлаш даражасини 50 фоизга етказиш ҳамда наслдор қорамоллар улушини 90 фоизгача ошириш режалаштирилган.

Ҳужжатга кўра, 2027 йил ҳосилидан бошлаб пахта ва бошоқли дон экинлари жойлаштирилиши режалаштирилган ер майдонларининг 50 фоизга озукабоп экинлар

экишга рухсат берилади.

Шунингдек, 2026 йил 1 июлдан 2030 йил 1 январга қадар аҳоли хонадонларида идентификация қилинган сигирлардан олинган ҳар бир наслдор бузоқ учун субсидия ажратилади.

Давлатимиз раҳбарининг ўшбу қарорида чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Четдан наслдор чорва молларини олиб келиш ҚҚС дан озод қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳам аҳолини арзон ва сифатли гўшт ва сут махсулотлари билан таъминлашга қаратилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиладиган бўлсак, соҳага масъул бўлган тегишли мутасадди ташкилотлар юқорида айтилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, асосий эътиборларини аҳолини арзон гўшт билан таъминлашга ҳамда аҳоли даромадини оширишга қаратадилар деб ўйлаймиз.

Рашид КАРИМОВ.

Иймон нури

ДУНЁНИ ҲАЛОЛЛИК ҚУТҚАРАДИ

Аллоҳ таоло инсонларни азиз ва мукаррам қилиб яратиб, уларга ер юзиде ризқнинг ҳалолидан талаб қилишга буюрди ҳамда ҳалол ва ҳаромнинг ҳам фарқини баён қилиб берди. Аллоҳ таоло қуръони каримда Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадисларида инсонларга ҳалол билан ҳаромни, гуноҳ билан савобни очиқ ойдин баён қилиб берган.

Ҳаромдан қочганининг мукофоти – ҳалолнинг барақасидир. Инсон баъзан нафсининг алдовига учиб, тезроқ ва осон йўл билан ҳаромга қўл уриб, нимадир топаман деб ўйлайди. Лекин ҳақиқий саодат ва бойлик фақат Аллоҳнинг розилигидадир.

Ҳикмат шундаки, Сиз ҳаромдан бир қадам чекинсангиз, Аллоҳ сизга ҳалол эшикларини кенг қилиб очиб қўяди. Сиз Аллоҳ учун воз кечган ўша озгина ҳаром ўрнига, У зот сизга баракали ва кўп-кўп ҳалол неъматларини инъом этади. Ким Аллоҳ учун бир нарсани тарк қилса, бунинг эвазига Аллоҳ ундан яхшироқ нарсани беради.

Нима учун ҳалолга интилиш керак?

1) Хотиржамлик. Ҳаром лўқма қалбни қорайтиради, ҳалол эса қалбга нур ва оилага тинчлик беради.

Оилани ҳалол лўқма билан боқиш ўрнини ҳеч нарса, ҳатто Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам боса олмайди. – **Ибн Муборак.**

Ҳалол ейиш билан қалблар мулоийм бўлади. – **Аҳмад ибн Ханбал.**

2) Дуолар ижобати. Ҳалол лўқма – дуо қабул бўлишининг бош шартидир.

3) Зурриёт тарбияси. Фарзандларимизнинг солиҳ бўлиши биз едираётган лўқманинг поқлигига боғлиқдир. Солиҳ фарзанд тарбияси фақат насихат билан эмас, балки ҳалол ризқ билан ҳам бўлади.

Ҳалол лўқма – Солиҳ фарзанд камолининг пойдеворидир.

Ўшбу ривоятни имом Аҳмад эшитганларида оталарнинг солиҳ бўлиши фарзандларга ҳам манфаат келтиради, деган эканлар. Унутмайлик ҳийла-найранг, фирибгарлик билан топилган бир чақа биргина одамни эмас, бутун бир оилани хароб қилишга етади.

Эй мўминлар! Молларингизни ўрталарингизда ноҳақ йўллар билан емангиз! Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдосотиқ орқали мол-дунё касб қи-

лингиз. Ҳамда ўз-ўзингизни ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга меҳрибон бўлган зотдир. Демак, ўзганинг молини фақат унинг розилиги билангина қўлга киритиш мумкин экан. Дарҳақиқат, ҳаромдан таомланган инсоннинг қони бузилади. қоннинг бузилиши эса тананинг ва қалбнинг фасод бўлишига олиб келади. Катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилмайдиган, ота-онанинг панду насихатига кулоқ осмайдиган, ҳатто ота-онага оқ бўладиган фарзандлар кўпайишининг асоси ҳаром лўқмадир. Фарзандлари солиҳ ва соғлом бўлмаган жамиятнинг келажаги йўқ.

Бундан анча замонлар бурун бир улўғ зотдан “Нима учун ҳозир диёримиз Мовароуннаҳрдан улўғ аллломаи замонлар, адиблар, мутафаккир олимлар етишиб чиқмаяпти. Зеро биз Имом Бухорий, имом Термизий, Алишер Навоий, Мирзо Улўғбек ва ҳоказо... каби улўғ зотларни авлодларимизку?”, деб сўраган-

ларида, ул зот айтган эканларки “Одамларни ҳалқумлари бузилгандир. То мана шу иллат йўқ бўлмагунча замон ундай алломаи замонларни кўрмагай”.

Ҳақиқатан, тан олишимиз керакки, биз фарзандларимизни қай йўл билан уйга олиб келаётган таому матоларини суриштирмай қўйдик. Аксинча, ўғлим жуда топармон-тутармон чикдида, деб мағрурланиб қўямиз. Ваҳоланки, бу ҳолат ўз-ўзимизни қатл қилишдан ўзга нарса эмас.

“Баъзи бир ҳолатларни эслаб ўтадиган бўлсак, қайси бир ишлаб чиқариш корхонаси ёки бирор бир ташкилот бўлмасин, у ердаги ишчилар ўша ердан давлат томонидан тайинланган маош учун эмас, балки бирон нарса юлиш, манфаат кўриш мақсадида ишлаб туради.

Нақадар шармандалик... Агар шу йўл билан бола боқса, боқмасин ёки шу йўл билан бойлик орттирмоқчи бўлса бойимасин. Давлатга, Ватанга, халққа

қилинган хиёнат бу Аллоҳга қилинган хиёнат демакдир. Демак, ҳалол касб қилмоқлик, ҳалолдан бола-чақа боқиш фарз демакдир. Ана ўшандагина бизнинг диёримиздан ҳар бир соҳада Имом Бухорийлар чиқиши аниқ” деб жавоб берган экан.

Ҳаром лўқмадан ва бировнинг ҳаққидан кўркмайдиган кишиларнинг фарзандлари ўзлари орзу қилгандек одам бўлишадими. Йўқ, албатта! Улар ҳам нари борса бировнинг ҳаққидан кўркмайдиган ва энг ёмони, ота-она розилигини топишга рағбат қилмайдиган кимсалар бўлади, Аллоҳ асрасин!

Ҳалол лўқма томоғингизга тикилмайди, жиғилдонингизни қайнатмайди, уйқунгизни қочирмайди, ҳаловатингизни йўқотмайди. Барча эзгуликларнинг, хайрли ишларнинг боши ҳалолликдир. Ҳалолликнинг ўзи каби дўстлари кўп – яхшилик, барака, хотиржамлик, осойишталик. Эҳтимол дунёни гўзалликдан ҳам олдин ҳалоллик қутқарар. Ҳалол инсоннинг дили, йўли тўғри ва нияти даражаси улўғдир.

Отабек ЮЛДАШЕВ,
туман бош имом хатиби.

КИТОБ ТАФАККУР КАЛИТИ

Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик, ақл-идрок, илм-у донишнинг асосидир, ҳаёт-ни ўргатувчи мураббийдир.

Амир Темур.



Айтиш керакки, китоб чиқариш ва сотиш бу чўн-такни қаппайтириш ёки бизнес қилиш эмас. Китоблар қайси жанр ёки мавзуда бўлишидан қатъи назар, у маънавият қуроли эканини масъулият билан тўла-тўқис англашимиз лозим.

Сўзнинг, адабиётнинг қадрини қанчалик юксак кўтарсак, маданиятимиз ва маънавиятимиз шунчалик юксалади.

Ўзининг кимлигини, ўз-лигини билган инсон ота-она, Она Ватан, ватан-парварлик деган муқаддас қадриятларнинг туб моҳиятини англашга қодир бўлади. Ҳар бир инсон дунёга келар экан, атроф-муҳитга, ўзи ўсиб-ўлғайган жамиятга тафаккур нигоҳи билан боқиб, ундан ибрат олади, хулосалар ва фикр-тушунчалар билан бойий-ди ҳамда шуларга таянган ҳолда инсон бўлиб шаклланади.

Чинакам бадиий адабиёт ана шу фикр-у хулосаларни бениҳоя гўзал тарзда ифода этади, энг таъсирчан, унутилмас воқеалар воситасида теранлаштиради ва мустаҳкамлайди. Бир сўз билан айтганда, адабиёт одам боласида чин инсоний фазилатларни шакллантиради.

Унутмаслигимиз керакки, шахсияти мазкур мезон ва фазилатлардан мосуво кимса ҳалол ва яхши ишчи ёки хизматчи туғул, том маънодаги инсон ҳам бўла олмайди. Фуқароларида ушбу мезон ва фазилатлар шаклланмаган жамиятда эса соф маънавий-иқтисодий тараққиётнинг бўлиши мумкин эмас.

Бундай жамиятни бир-бирини алдовчи, таловчи,

бир-бирининг ҳақини ейишдан кўркмайдиган бе-шафқат оломон, десак, сира-сира хато қилмай-миз.

“Китоб тафаккур қанотидир”, деган эди аллома адибимиз Ойбек. Биз бугун янги даврга қадам қўйдик. Дунё ана илмга, тафаккур ва интеллектга интилмоқда. Зеро, инсоният учун фақат ва фақат тафаккургина нажот бўла олади.

Чиндан ҳам улуг ва мўтабар китоблар инсонийлик, ҳалоллик, шафқат ва имон уруғларини қалбимизга экади. Бизни оламшумул кашфиётлар, буюк бунёдкорликлар сари даъват этади. Мушкул онларимизда бизга ҳаммаслак ва дўст бўлиб, тўғри ва оқилона йўлни кўрсатади. Шу боис ҳаётимизда **“Ўқимишли инсон”** деган ибора бошқача жаранглайди.

Китобхонлик оиладаги муҳитга ҳам боғлиқ. Маърифатли оилаларда китобга эътибор фарзандлар тарбиясида жуда кўл келади. Китобни инсон тафаккурининг қанотларига ўхшатишган. Зеро, тафаккури, фикр доираси кенг, маърифатли кишилар жамиятнинг чинакам бойлигидир.

Аксинча, ҳаётда рўй бериб турадиган айрим нохушликлар илдири эса маърифатсизлик, китоб ўқимаслигининг оччиқ мевасидир. Темирни занг келмирганидек, одамни ҳам маънавиятсизлик мўрт қилади. Маънавият эса инсонга китоб ўқиш орқали сингади.

Ҳар қандай янгилик ҳам бир кун эскиради. Бироқ инсониятнинг минг-минг йиллар давомида қўлга киритган ақлий ҳамда фикрий дурдоналарини ўзида жамлаган китоблар асло эскирмайди. Бинобарин, китоб ҳақида илм-маърифат, адаб ва ахлоқ манбаи бўлиб келган.

Маҳбуба АЯСОВА,
туман Ахборот-кутубхона маркази ходими.

САЛОМНИ УНУТИШ – ЎЗЛИКНИ УНУТИШ

Ҳаётимизнинг энг илиқ, энг файзли бошланиши – бу салом. Бир оғиз “Ассалому алайкум” ёки “Салом” инсон қалбига ёруғлик олиб киради. Салом бериш – бу шунчаки одат эмас, балки халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган улуг қадриятидир.

Бугун баъзан мактаб йўлакларидан шундай манзарага дуч келамиз: югуриб ўтаётган болакай салом бермай кетади. У бу ҳолатнинг нақадар муҳимлигини англамаслиги мумкин. Аммо аслида салом бермаслик – тарбиянинг бир бўлаги йўқолаётганидан, ўзликдан бир парча узилаётганидан далолатдир.

Ота-боболаримиз бежиз: “Аввал салом, бадъаз калом” демаганлар. Салом – муҳаббат, ҳурмат ва инсонийликнинг биринчи эшигидир.

Бироқ бугунги кунда яна бир муаммо – турли кўча сўзлари, жаргонлар, қисқартмалар ва ўзга тиллардаги ибораларнинг ҳаддан зиёд кўп ишлатилиши. Баъзи болалар оддий “Салом” ўрнига бегона сўзларни қўллашни одат қилмоқда. Бу жараён аста-секин она тилига бе-парволикни, миллий қадриятлардан узоқлашишни кучайтиради. Ўзбек тили-

нинг шираси, таровати, миллий руҳи айнан саломлашувдай содда, аммо мазмунли сўзлардан бошланади.

Бошланғич синф ўқитувчисининг вазифаси.

Бошланғич синф ўқитувчиси – бу болалар учун нафақат устоз, балки биринчи мураббий, биринчи йўл кўрсатувчидир. У саломлашув маданиятини, тилга ҳурматни, сўз одобини кундалик ҳаёт жараёнига сингдиради. Устознинг ўзи салом билан кирса, болалар ҳам шундай қилади. Устознинг ўзи соф, аниқ, равон ўзбек тилида гапирса, болалар ҳам она тилига меҳр қўяди. Шунинг учун бошланғич синф ўқитувчисининг ҳар бир сўзи – тарбия, ҳар бир амали – ибратдир.

Ота-оналарнинг вазифаси.

Болага энг биринчи саломни ўргатадиган – бу

ота-она. Ота-она тонгда болага биринчи бўлиб: “Ассалому алайкум, болам!” деб мурожаат қилса, бу тарбиянинг энг гўзал бошланишидир. Уйда жаргонлар ўрнига соф ўзбекча сўзлар ишлатилса, бола ҳам шундай нутққа эга бўлади. Ота-онанинг фарзанд олдидаги энг катта масъулияти – унга тилни, одобни, инсонийликни, аввало, ўз хатти-ҳаракати билан кўрсатишдир.

Мактаб ва оила ҳамкорлиги – тарбиянинг асоси.

Айниқса, бошланғич синфларда ота-оналарнинг мактаб билан ҳамкорлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Устоз ва ота-она бир томонга ҳаракат қилса, боланинг нутқи ҳам, одоби ҳам, дунёқараши ҳам мукаммал шаклланади. Мактабдаги тарбия уйда давом этса, уйда бошланган тарбия мактабда мустаҳкамланади. Ота-она ва бошланғич синф ўқи-

тувчисининг доимий алоқа, доимий маслаҳат, доимий ҳамкорлиги – саломлашув маданиятидан тортиб, тилга ҳурматгача бўлган барча қадриятларнинг пойдеворини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, салом – кичик сўз, аммо улкан маъно. Уни унутган – ўзининг миллий илдири-ни унутади. Уни эъозлаган – халқнинг энг одобли фарзанди бўлиб улғаяди. Болаларда саломлашув маданияти, соф нутқ, она тилига меҳрнинг шаклланиши – ўқитувчи, ота-она ва мактабнинг бирлашган ҳаракати билан амалга ошади.

Собир КАРИМОВ,
62-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси,
“Мактабгача ва мактаб таълими аълочили” кўкрак нишони соҳиби.

ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ – ДОЛЗАРЪ ВАЗИФА

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш, қариндош уруғчиликка асосланган никоҳларнинг салбий оқибатларини англаб етиш ва бунга йўл қўймаслик борасида тизимли ишларнинг йўлга қўйилгани – соғлом оилагина жамият бахтли бўла олишига асосланган ҳаракатларимизга мезон бўлмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, баркамол, маънавий дунёқарашли ёшларни соғлом оила остонасига тайёрлашда биз фаол онахонлар, опа-сингилларга ишонамиз. Бу сўзлар ҳар биримизни сергак торттириши керак.

Очиқ тан олиш керакки, ҳали ҳам эрта турмуш билан боғлиқ ачинарли ҳолатлар барҳам топгани йўқ. Ҳали ҳаётга тайёр бўлмаган, бирор хунар ёки касбни танлаб улгурмаган, оила ҳақида тўлақонли тушунчаси етарли бўлмаган ёшларни шошилишча оила, никоҳга йўналтириш каби ҳолатлар учраб турибди.

Бир мисол. Икки хонадон ўзаро қариндошликни мустаҳкамлаш мақсадида икки ёшни никоҳлаб қўйдилар. Орадан уч ой ўтмасдан келин қайнонага ёқмай қолди. Келинни укувсизликда, рўзгор ишларида сусткашликда тез-тез касал бўлиб қолаверишида айблаб, оилани ажрим остонасига келиб қолишига сабабчи бўлиб қолди.

Яна бир мисол. Эрта турмуш натижасида дунёга келган гўдакнинг айби нимада... Ёки, эрта турмуш оқибатида хасталаниб руҳан тушкунликка тушган келиннинг тақдири учун ким жавоб беради.

Саволлар кўп... Бундай салбий оқибатларни олдини олишда ҳамкорликдаги ишларни кучайтиришимиз керак. Тезроқ ўғил уйлантирай деб шовшмо-шошарлик билан иш тутаетганлар оқибатида бахтсиз қилиб қўяётган оналар билан олдиндан ишлайлик. Маҳаллаларимиздаги бу борада амалга оширилаётган тизимли ишларимизда, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбат-ларимизда шу каби долзарб мавзу-ларга кўпроқ эътибор қаратсак айни муддао бўлади.

Гулбаҳор ШАҲАРОВА,
туман адлия бўлими ФХД бўлими 1-тоифали инспектори.

Мутахассис маслаҳати

ОЛМА МЕВАХҲҲРИ ҲАШАРОТИГА ҚАРШИ ҚУРАҲИ ЧОРАЛАРИ

Олма мевахҳҳри олма, нок боғларида кенг тарқалган бўлиб, ҳосилни мева-вали дарахтларга катта зарар етказиши. Унинг личинкалари мевалар билан озиқланиб, уни яроқсиз ҳолга келтиради. Мевада тешикча ҳосил қилиб, муддатидан олдин тўкилишига олиб келади.

Олма мевахҳҳри личинкаларга қарши курашишда кимёвий ва биологик инсектицидлар ишлатилади. Бунда фойдали ҳашаротлар ҳамда чанглантирувчиларга қирон келтирмаслик учун эҳтиёт бўлиб фойдаланиш зарур.

Шунингдек, йиқилган ёки зарарланган мевали шохларни олиб ташлаш, йўқ қилиш каби санитария чоралари қишлайдиган личинкалар популяциясини камайтиришга ёрдам беради. Эркак олма мевахҳҳрини чалкаштириб юбориш учун кўп миқдорда синтетик феромонлар иш-лаб чиқарилган. Бу феромонлар жуфтлашишни бузиб, уларнинг популяциясини назорат қилишга ёрдам беради.

Феромон тузоқлари ва бошқа визуал текширувлар ёрдамида мевали боғларни мунтазам равишда кузатиб бориш олма мевахҳҳри зараркунандаси эрта аниқлашга ёрдам беради. Ҳар бир феромон тутқучда 1 авлодда бир ҳафта мобайнида 5 та ва ундан кўп, 2 ва 3 авлодларида 2-3 дона капалак ўшланиб, 10 та меванинг биттаси зарарланган бўлса, кимёвий ҳамда бошқа усулларни қўллаш керак.

Шухрат ИСМОИЛОВ,
ўсимликлар карантини туман бўлими инспектори.



**FORISH
TONGI**

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Forish tuman Kengashi
va tuman hokimligi

Manzilimiz: Bog`don shaharchasi,
Sh.Rashidov ko`chasi 3-uy

Bosh muharrir Rashid KARIMOV

“Forish tongi”
materiallarini ko`chirib
bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshtiriladi
Tahririyatga kelgan
qo`lyozmalar muallifga
qaytarilmaydi va javob
yozilmaydi.

Gazetaning
ro`yxatdan o`tish
tartibi: 06-011
ISSN 2010-8451

Gazeta sotuvda
kelishilgan narxda

Telefon: (91) 591-47-10

Gazeta 915 nusxada bosildi

Qog`oz bichimi A3

Gazeta tahririyatning o`zida terildi va
kompyuter operatori **Gulmira ISMOILOVA**
tomonidan sahifalandi.

Chop etish
uchun mas`ul
**Baxrulla
SAYPULOV**

Gazeta “Rastr plyus Print” mas`uliyati
cheklangan jamiyatida bosildi
Korxona manzili: Jizzax shahri
Sayiljoyi ko`chasi 4-uy.
Bosishga topshirish vaqti 18:00
Topshirildi 18:00 Buyurtma _____